

АКТУАР МОЛИЯ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

Vol. 4 Issue 01 | pp. 39-47 | ISSN: 2181-1865
Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА НАТИЖАГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН БЮДЖЕТЛАШТИРИШ



Имонқулов Нуридин Қўшмон ўғли
Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ходими

Аннотация: Мақолада соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришнинг назарий асослари ва уни ривожлантириш орқалп ижтимоий сиёсатни таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари таҳдил этилган. Хорижий олимларнинг қарашлари ва илмий хulosалари тизимлаштирилган. Тадқиқотлар асосида соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришнинг натижага йўналтирилган бюджетлаштириш масалаларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва хulosалар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тиббий хизмат, ижтимоий сиёсат, соғлиқни сақлаш, давлат бюджети.

БЮДЖЕТИРОВАНИЕ, ОРИЕНТИРОВАННОЕ НА РЕЗУЛЬТАТ В ФИНАНСИРОВАНИИ СИСТЕМЫ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ

Имонқулов Нуридин Қўшмон ўғли
Сотрудник Счетной палаты Республики Узбекистан

Аннотация: В статье анализируются теоретические основы финансирования системы здравоохранения и особенности обеспечения социальной политики ее развития. Систематизированы взгляды и научные выводы зарубежных учёных. На основе исследований разработаны научные предложения и выводы, направленные на совершенствование результативно-ориентированного бюджетирования вопросов финансирования системы здравоохранения.

Ключевые слова: медицинское обслуживание, социальная политика, здравоохранение, государственный бюджет.

RESULTS-ORIENTED BUDGETING IN HEALTH SYSTEM FINANCING

Imonqulov Nuriddin Qo'shmon o'g'li
Employee of the Accounts Chamber of the Republic of Uzbekistan

Abstract: The article analyzes the theoretical basis of financing the health care system and the specific features of providing social policy for its development. The views and scientific conclusions of foreign scientists are systematized. On the basis of research, scientific proposals and conclusions aimed at improving the results-oriented budgeting issues of health care system financing have been developed.

Key words: medical service, social policy, healthcare, state budget

1. Кириш

Мамлакатимиз бюджет тизимида натижага йўналтирилган бюджетлаштириш амалиёти ривожлана бошламоқда. Ушбу методологиянинг кириб келиши бюджет сиёсатида маблағларни ажратиш билан боғлиқ методларни ўзгаририб бориш билан боғлиқ ҳисобланади. Бу эса, маблағларнинг ҳажмига нисбатан эмас, балки уларнинг натижага олиб бориш моҳиятига нисбатан устунлик бериш тенденцияси вужудга келиши билан изоҳланади.

Соғлиқни сақлаш тизимида натижага йўналтирилган бюджетлаштириш амалиёти қўлланиши тизимда натижаларни ишлаб чиқиш ва уни молиявий сиёсат билан уйғунлаштириш лозимлиги зарурати вужудга келади. Молиявий фаолият билан боғлиқ қоидаларни ўзгариришга мойиллик моғлиқни сақлаш тизимининг номоддий натижага кўрсаткичларини шакллантиришга имкон беради.

Бизнингча, соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришда давлат бюджетидан қопланишида натижага йўналтирилган методни қўллаш мумкин бўлади. Бошқа манбалардан молиялаштиришда эса номоддий кўрсаткичларнинг табиий шакланиши мавжуд. Масалан, тиббий хизмат истеъмолчилари тўловларни тўғридан-тўғри чўнтак харажатларини амалга оширганда истеъмолчи назорати вужудгак келиши оқибатида натижалар талаб этилиши шаклланади. Шу боисдан, соғлиқни сақлашни тизимини молиялаштиришда натижаларни шакллантиришда номоддий ва молиявий кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади. Тиббий хизматлар натижадорлигини ифодалайдиган кўрсаткичлар тизимининг ўзинигина жорий этиш молиявий жараёнларга мослашиши билан ифодаланиши мураккабликлар сақланиб қолишига олиб келиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, тиббий хизматларни кўрсатиш ва улар натижасида вужудга келадиган кўрсаткичларни аниқлаштириш ва уни молиялаштиришнинг зарурый индикаторидан ўзаро фарқли бўлишини таъминлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2. Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Соғлиқни сақлаш тизими тўғрисидаги қарашлар қўплаб олимлар томонидан тадқиқ этилган. Улар сирасига А.Дитон илмий ишланмаларини қайд этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади (Ангус Дитон 2015 йилда истеъмол, камбағаллик ва фаровонлик мавзуси илмий натижалари учун Нобел мукофотига сазовор бўлган). Унинг 2013 йилда нашр этилган “Буюк қочиш: соғлиқни сақлаш, фаровонлик ва тенгиззлик илдизи” деб номланган асарида соғлиқни сақлаш ва фаровонликнинг тарихий эволюцияси ва глобал тенгиззликнинг мамлакатлардаги тенденцияларига эътибор қаратади [1].

А.Дитон ўзининг тадқиқотида соғлиқни сақлаш ва фаровонликнинг чамбарчас боғлиқ эканлигини асослаб беради. Аҳолининг соғлиқ кўрсаткичларининг ижобий тенденциялар касб этиши иқтисодий фаровонликни таъминлашга хизмат қилишини таъкидлаб ўтади. Ўз навбатида, иқтисодий ривожланиш ушбу тизимнинг барқарорлигини таъминлашини қайд этади. Унинг фикрича, даромад ва умр кўриш давомийлиги ўзаро боғлиқ эканлигини кўрсатиб беради. Ушбу илмий холоса глобал миқёсда кам ўрганилган тадқиқот обьекти бўлганлиги сабабли ноёб илмий ишланма дейишга асосимиз бор, деб ўйлаймиз.

А.Дитон ўртача умр кўриш ва даромадларнинг ўзаро боғлиқлигини тадқиқ этган. Бу борада, у Англиядаги тенденцияни таҳлил этади ва 1750 йилларда касалликларни даволашга нисбатан замонавий усуллар вужудга келиши қадар умр кўриш давомийлиги юкори ва қуи даромадли аҳоли ўртасида бир хил бўлганлигини қайд этади. Мазкур даврдан бошлаб даромадга асосан умр кўриш давомийлиги фарқланиши юзага келганлигини кўрсатиб беради. Шунингдек, иқтисодий ўсиш аҳамияти ҳукуматлар тиббий хизматлардан бошқа соҳаларга инвестицияни ошириб юборса ёки зарурати тиббий хизматларга молиявий устуворлик берилса йўқолиши тўғрисида холосага келади. Қачонки ҳукуматлар пулга нисбатан тиббий хизматлар муаммоларини ҳал этувчи восита сифатида қарамаса иқтисодий фаровонлик ва соғлиқни сақлаш тизими ўртасида барқарор ижобий боғлиқлик таъминланиши қайд этилади.

Фикримизча, юкорида келтирилган илмий холосаларда тиббий хизматларни тақдим этишда натижага мезонлари бюджет маблағлари асосида эмас, балки номоддий кўрсаткичлар доирасида шакллантирилса ижобий натижаларга эришилиши тушуниш лозим. Шу боисдан, соғлиқни сақлаш тизимида молиялаштириш методида натижага йўналтирилган бюджетлаштириш долзарблик касб этади.

Мамлакатимиз олим ва тадқиқотчилари томонидан натижага йўналтирилган бюджетлаштириш методлари ўрганилган бўлса-да, соғлиқни сақлаш соҳасида ушбу услугиятни қўллаш юзасидан яхлит тадқиқотлар олиб борилиб, илмий ишлар тизимлаштирилмаган. Шу нуқтаи назардан, айнан тиббий хизматларнинг натижадорлигини молиявий сиёсатга уйғунлаштириш мухим ҳисобланади. Биз ушбу йўналишдаги ўз тадқиқотларимизни номонетар ва молиявий кўрсаткичларни уйғунлаштириш жиҳатидан олиб боришни назарда тутмоқдамиз.

Соғлиқни сақлаш тизимида натижага йўналтирилган бюджетлаштириш амалиётини қўллаш юзасидан профессор Д.А.Рахмонов ўзининг илмий холосаларини шакллантиради. Унинг фикрича, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш услугиятини қўллаш қуиидаги самарадорликни беришини таъкидлаб ўтади [2]:

- давлат сиёсати мақсадлари самарадорлигини янада оширади;
- ўрта муддатли молиявий режалаштириш (дастур бўйича харажатлар);
- ўрта муддатли бюджет маблағларига лимитларнинг мавжудлиги;
- дастур харажатлари мақсадлари билан ўзаро алоқадорликда бюджет харажатларини режалаштириш;
- дастурлараро рақобат;

- муассасавий ва дастурий классификация;
- ички назорат ва бюджет маблағлари олувчиларнинг молиявий мустақиллиги;
- харажатлар натижавийлиги мониторинги.

Г.Қосимова ўзининг тадқиқотларида ижтимоий соҳани бюджетдан молиялаштириш ва унда натижавийлик элементларини шакллантириш борасида илмий хуносаларни шакллантириб беради. Унинг қайд этишича, муқобил имкониятларни баҳолаш, харажатлар билан натижаларни солиштириш имконияти каби жиҳатлар наижага йўналтирилган бюджетлаштириш методининг ўзига хослигини очиб беришда хизмат қилиши кўрсатиб ўтилади [3].

1-жадвал

Бюджетлаштиришнинг ўзаро фарқли жиҳатлари

Харажатли (сметали) молиялаштириш	Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш
Режалаштирилган ишлар билан бюджетлаштириш ўртасидаги муносабат	
Бюджет муассасалари ўртасида бюджет маблағларини тақсимлаш	Бюджет харажатлари давлатнинг стратегиясига мос равища ижтимоий- иқтисодий натижаларга йўналтириш
Харажатларни режалаштириш тамоилилари	
Бюджет муассасалари бўйича харажатлар сметасин горизонтал/вертикал бирлаштириш	Устувор йўналишларга асосан ижтимоий аҳамиятли дастурлар ўртасида бюджет маблағларини тақсимлаш
Бюджет харажатлари таснифидан фойдаланиш	
Даромадлар, харажатлар ва тақчилликни қоплаш бўйича тасниф	Дастурий (функционал) тасниф
Бюджет лойиҳаси шакли	
Бюджет харажатлари бўйича молиялаштириш йўналишлари маблағлари ҳажми	Мақсад, вазифа, натижка мезонлари
Маблағлардан фойдаланиш мустақиллиги	
Харажатлардан мақсадли фойдланишда иқтисодий жавобгарлик	Маблағларни бошқариш эркинлиги, харажатлар доирасида белгиланган мақсадларга эришишга жавобгарлик
Бюджет ижроси назорати	
Ташқи молиявий назоратнинг устуворлиги	Натижка мезонлари бўйича ички молиявий назоратнинг устуворлиги
Бюджет ижроси бўйича хисобот	
Режа ва ҳақиқатда молиялаштиришни ўзаро таққослаш	Мақсадга эришилганлиги, дастурни такомиллаштириш

Юқоридаги илмий хulosаларда ижтимоий ва тиббиёт соҳасида натижавийлик элементларини жорий этиш борасида илмий мақолалар чоп этилган бўлсада, яхлит диссертацион тадқиқотларни кузатиш қийин. Шунингдек, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш юзасидан диссертацион тадқиқот К.Эрназаров томонидан амалга оширилган. У таълим соҳасига нисбатан ёндашувлар асосида илмий хulosса ва таклифларни ишлаб чиқишига ҳаракат килган. Унинг фикрича, “НИБ методологиясини ривожланиши ва уни жорий этиш билан боғлиқ тенденцияларда давлат бир неча йиллар давомида ислоҳотларни амалга оширган. Жумладан, бюджет сиёсатидаги фундаментал ўзгаришлар бир-бирини инкор этиши натижасида ягона ёндашувни шаклланишига имкон ҳам бермаган [4]”.


Тадқиқотчилардан, доц. А.Шеров натижага йўналтирилган бюджетлаштириш ва сметали молиялаштиришнинг ўзаро фарқли жиҳатлари тўғрисида ўзининг илмий хulosаларида қайд этиб ўтади [5] (1-жадвалга қаранг).

Олиб борилган ўрганишлар натижасида, қуидаги оралиқ хulosаларни шакллантириш мумкин, деб ўйлаймиз:

- соғлиқни сақлаш тизимида натижага йўналтирилган бюджетлаштириш амалиёти ҳам молиявий, ҳам номоддий кўрсаткичларни ўзида жамлаб олиши лозим;
- бюджет харажатлари ҳам сметали, ҳам натижавийлик асосида молиялаштирилиб, эришилган натижаларни ўзаро солишиши имкони мавжуд бўлиши;
- молиявий менежмент натижаларни бошқаришда зарур бўлса-да, ўзгаришларни амалга оширишда асосий омил бўла олмаслигини инобатга олиш муҳим ҳисобланади;
- бюджет сиёсатида натижага йўналтирилган бюджетлаштиришда тизимли ўзгаришлар бюджет жараёнининг барча босқичларида намоён бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади, деб ўйлаймиз.

3. Таҳлил ва натижалар

Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш кўплаб мамлакатларда янги бюджет сиёсатини шакллантиришга олиб келаётганлигини таъкидлаш лозим. Бу ерда, харажатларни амалга ошириш эмас, балки натижанинг белгиланиши доирасида молиявий сиёсатни тузилиши билан чамбарчас боғлиқ эканлигини қайд этиш лозим. Сметали молиялаштиришда бюджет сиёсатида стратегия белгилансада, унинг натижаси харажатларни амалга оширилиши билан ифодаланади. Натижага йўналтирилган бюджетлаштиришда эса стратегия, унинг қиймати ва унга мос равишда натижаларга эришишни назарда тутади. Бу эса, натижага йўналтирилган бюджетлаштиришда натижалар номоддий кўринишда ўлчанса, сметали молиялаштиришда натижалар молиявий кўрсаткичлар кўринишсида баҳоланишини таъкидлаш лозим.



Ресурсларнинг мақсадли ишлатилиши

Бюджетта мувофиқлик

уйғунлик

Максадда

1-расм. Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш моҳияти

М.Жолаева ўининг тадқиқотида натижага йўналтирилган бюджетлаштиришни жорий этиш билан боғлиқ бўлган жараёнларни ифодалашга ҳаракат килади. Унинг фикрича, бюджет тизими молиявий нотекис тизимни ўзида акс эттириб, умумжамият манфаатларини концентрация қилган ҳолда ифода этишини тушунтириб беради. Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш ҳам ушбу тенденциядан келиб чиққан ҳолда шакллантирилиши мақсадга мувофиқ, деган хуносага келади. Унинг қайд этишича, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш жараёнида натижаларнинг вужудга келишининг иқтисодий самарасини инобатта олиш мухим ҳисобланади (1-расмга қаранг) [6].

Таъкидлаб ўтганимиздек, натижага йўналтирилган бюджетлаштиришда натижалар номоддий аҳамиятта эга бўлиши мухим ҳисобланади. Молиявий кўрсаткичлар мезони эса харажатларни молиялаштирилиши билан чекланиб қолиши маълум тенденция ҳисобланади. Масалан, тутрук жараёнларини давлат бюджетидан молиялаштирилишини қўриб чиқишимиз мумкин. Тутрук жараёнларини молиялаштиришда ҳомиладорлар сони ва уларга тўғри келувчи харажатлар миқдорини бюджетдан режалаштирилиши билан сметали молиялаштириш ўз аксини топиши мумкин. Бунда чақалоқлар ўлими кўрсаткичига нисбатан молиялаштириш назарда тутилмайди. Унинг сони қанча бўлишидан қатъий назар тутрук жараёнлари молиялаштирилиши бюджет маблағларини ишлатилиши шартлигини ўзида акс эттиради. Бу эса, сметали молиялаштиришда чақалоқлар ўлимини статистик жиҳатдан таҳлил қилишга имкон беради холос.

Фикримизча, натижага йўналтирилган бюджетлаштиришда тутрук жараёнларини молиялаштириш билан чақалоқлар ўлимини камайтиришга асос бўлувчи омилларни молиялаштириш назарда тутилиши лозим бўлади. Бунда чақалоқлар ўлимини камайтириш якуний натижа бўлса, унинг макроиқтисодий таъсири келажакда демографик барқарорликни таъминлашга хизмат қилиши назарда тутилади.

Бошқача айтганда, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш асосида молиялаштириш истқиболда иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилса,

сметали молиялаштириш жорий иқтисодий ўсишни таъминлаб, жорий истеъмол билан якунланиши мумкин. Шу боисдан, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш асосида молиялаштириш мултипликацион характерга эга эканлигини таъкидлаш лозим. Бу нафақат бюджет маблағларидан самарали фойдаланишга, балки иқтисодий ўсишни таъминлашда ўзига хос аҳамиятта эга бўлиб ҳисобланади.

Натижага йўналтирилган бюджетлаштиришнинг мултипликацион характерининг мавжудлиги унинг кўрсаткичларига нисбатан ўзаро уйғунликни таъминлашга бўлган заруратни келтириб чиқаради. Бунда номоддий кўрсаткичнинг бошқа макроиқтисодий кўрсаткичлар учун бошланғич нуқта эканлигини инобатга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бошқача айтганда, чақалоқлар ўлимининг камайтирилиши натижага йўналтирилган бюджетлаштиришнинг якуний сифатида қаралса, демографик ўсишни таъминлаш учун бошланғич нуқта вазифасини бажариб беради, деб ўйлаймиз.

Бизнингча, соғлиқни сақлаш тизимининг натижага кўрсаткичлари мамлакатдаги ижтимоий сиёsat доирасидаги стратегик мақсадларидан келиб чиқиб белгиланади. Бу борада, 2015-2030 йилларда глобал Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида соғлиқни сақлаш ва ижтимоий фаровоноликнинг белгиланганлиги асосий омил бўлиб ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш мамлакат даражасидаги натижалари Барқарор ривожланишнинг мақсадларидан келиб чиқиб хукumat миқёсида стратегик мақсадлар белгиланиши лозим бўлади.

Инсонларнинг ўртacha умр кўриш давомийлиги, сурункали касалликлар билан касалланиш эҳтимолининг камлиги каби кўрсаткичлар мамлакатда соғлиқни сақлаш тизими барқарорлити жиҳатидан стратегик мақсад сифатида қаралиши мумкин. Бунда умр кўриш давомийлигини узайтиришга олиб келувчи тиббий хизматнинг турли таснифларини давлат томонидан молиялаштиришда натижага мезонларининг ишлаб чиқилиши ва уларнинг номоддий ўлчов механизмига эга бўлиши муҳим аҳамиятта эга ҳисобланади.

Бу эса, тиббий хизматларни номоддий ва молиявий нуқтаи назардан баҳолашга нисбатан заруратни келтириб чиқаради. Масалан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган тиббий хизматларни баҳолашга нисбатан ёндашувларни келтириш мумкин [7]: 1) хизмат қулайлиги (беморларнинг кутиш вақти давомийлиги); 2) компетенция (тиббий хизматларни тақдим этиш ва диагнозни амалга ошириш); 3) масъулият (беморлар мурожатига реакциянинг мавжудлиги); 4) тиббиёт ходимлари ва инфратузилма самарадорлиги (миқдорий натижага); 5) тўловлар тўғрисида шаффоф маълумотлар кабиларни келтириш мумкин.

Ж.Тонен ва бошқалар соғлиқни сақлаш тизимида натижага йўналтирилган бюджетлаштиришга нисбатан ўзларининг ёндашувларини асослаб беришади [8]. Улар натижага йўналтирилган бюджетлаштиришни жорий этишининг 8 та босқичини таклиф этишади. Унга кўра, соғлиқни сақлаш тизимини аниқлаштиришдан бошлиб мақсадларни миллий ва ҳудудий даражада шакллантириш, шаффофликни таъминлаш каби жараёнларни назарда тутади.

Шунингдек, улар томонидан молиялаштирилиши лозим бўлган тиббий хизмат кўрсаткичнинг қуидаги шаклларини қайд этишади:

- малакали тиббиёт ходимлари ёрамида нормал туғруқни амалга ошириш;
- оналарга туғруқдан сўнг камида бир маротаба маслаҳат бериш;
- оилани режалаштиришнинг замонавий методлари тўғрисида маълумот;
- 0-12 ойлик чақалоқларнинг тўлиқ эмланиши;
- маҳаллий даражада иккита кўрсаткични шакллантириш.

4. Хулоса

Умумий хулоса қилганда, соғлиқни сақлаш тизимида натижага йўналтирилган бюджетлаштириш номоддий ва молиявий кўрсаткичлар асосида ҳам макроиқтисодий, ҳам микроиқтисодий нуқтаи назардан шакллантирилиши лозим экан. Бу борада глобал ва маҳаллий олимларнинг илмий хулосаларидан қуидаги натижа мезонларини макроиқтисодий номоддий тиббиёт тизими натижа кўрсаткичлари сифатида қараш мумкин.

- умр кўриш давомийлигининг ошиши;
- оналар ва болалар ўлимининг қисқариши;
- инсон капитали меҳнат бозоридаги иштирокининг тиббий барқарорлиги таъминланиши;
- мамлакатда камбағаллик даражасининг камайиб бориши;
- кам даромадли аҳолининг пулли тиббий хизматларга бўлган эҳтиёжининг камайиб бориши кабиларни келтириш мумкин.

Соғлиқни сақлаш тизими макроиқтисодий нуқтаи назардан молиявий кўрсаткичларни айримларин сифатида қуидагиларни келтириш мумкин:

- тиббий хизматлар харажатларининг касалликларни давволашга эмас, уни одини олишга нисбатан ошиб бориши;
- чақалоқларни эмлаш учун хароажатларни тизимли равишда ошиб бориш, бунда янги касалликларни одини олишга нисбатан ёндашувнинг шаклланиши;
- ялпи ички маҳсулотнинг киши бошига нисбатан ошиб бориши;
- хусусий тиббий хизмат кўрсатувчи субъектларнинг солик, тўловларининг ўтган йилга нисбатан ошиб бормаслиги. Ушбу рақамнинг ошиб бориши аҳоли пуллик тиббий хизматларга бўлган талаби ортиб бораётганлигини акс эттириши мумкин.

Микроиқтисодий нуқтаи назарни тадқиқотимизнинг кейинги босқичларида баён қилишга ҳаракат киламиз.

Умумий хулоса қилиб айтганда, соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштирища натижага йўналтирилган бюджетлаштириш амалиёти тиббий хизматларнинг фуқароларга етиб бориши билан изоғланиши лозим. Бунда харажатларни амалга ошириш бош ғояни ташкил этмаслиги мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар таҳлили:

1. Deaton, A. (2013). *The great escape: health, wealth, and the origins of inequality*. Princeton University Press.

2. Рахмонов Д.А. "Натижавийликка йўналтирилган бюджетлаштириш" услугини қўллаш орқали соғлиқни сақлаш тизимида маблағларни самарали бошқариш//Молия журнали. – Т.: ТМИ, 2011. - №1. – Б.41-47.
3. Қосимова Г.А, Натижавийликка йўналтирилган бюджетлаштириш – ижтимоий соҳани бошқариш ва молиялаштиришни такомиллаштириш технологияси//Иқтисод ва молия журнали, 2019. - №11(131). – Б.46-55.
4. Эрназаров К.Ю. Ўзбекистонда натижага йўналтирилган бюджетлаштиришни жорий этиш истиболлари: и.ф.б.ф.д. ... автореферат. – Т.: ТДИУ., 2023. - 58 б.
5. Шеров А.У. Ўзбекистонда бюджет сиёсати йўналишларини такомиллаштириш: и.ф.б.ф.д. (PhD) ... автореферати. – Т.: БМА, 2020. – 60 б.
6. Жолаева М.А. Бюджетирование, ориентированное на результат//Вестник университета «Туран». Казакстан, 2018; - №(4): -C.113-119.
7. Health system performance assessment: a framework for policy analysis / Irene Papanicolas, Dheepa Rajan, Marina Karanikolos, Agnes Soucat, Josep Figueras, editorsio World Health Organization 2022
8. Toonen, Jurrien and Bertram van der Wal (Eds). 2012. Results-Based Financing in healthcare. Developing an RBF approach for healthcare in different contexts: the case of Mali and Ghana. KIT Publishers, Amsterdam

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

